



ЎЗБЕКИСТОН – ГРУЗИЯ: КЎП ҚИРРАЛИ МУНОСАБАТЛАРНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 июль куни давлат ташрифи билан Тбилиси шаҳрига келди.



Шота Руставели номидаги халқаро аэропортда давлатимиз раҳбарини Грузия Бош вазирининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Мака Бочоришвили ҳамда бошқа расмийлар кутиб олди.

Олий мартабали меҳмон шарафига икки мамлакатнинг давлат байроқлари кўтарилди ва фахрий қоровул саф тортиди.

Сўнг Тбилиси шаҳрида Грузия Президентининг қароргоҳи — Орбелиани саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни расмий кутиб олишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарини Грузия Президенти Михаил Кавелашвили самимий қарши олди.

Олий мартабали меҳмон шарафига қароргоҳ олдидаги майдонда икки мамлакатнинг давлат байроқлари кўтарилди ва фахрий қоровул саф тортиди.

Давлат маҳиялари янгради. Етакчилар ҳарбий оркестр садолари остида фахрий қоровул сафи олдида ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини кутладилар.

Грузияга давлат ташрифи доирасида Тбилиси шаҳридаги Орбелиани саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти

Шавкат Мирзиёев ва Грузия Президенти Михаил Кавелашвилининг музокаралари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон — Грузия кўп қиррали муносабатларини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Грузия Президентига самимий меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдириб, ушбу мамлакатга давлат ташрифи сўнгги 23 йилда илк бор амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.

Парламентлар, ҳукуматлар ва ишбилармон доиралар ўртасидаги алоқалар

фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўтган йил якунларига қўра, товар айирбошлаш ҳажми 270 миллион долларга етди, қўшма лойиҳа ва корхоналар сони ортиб бормоқда. Мамлакатимизда Грузиянинг биринчи рақамли банки — “ТБС” муваффақиятли фаолият юритмоқда. Тошкент билан Тбилиси ва Батуми шаҳарлари ўртасида тўғридан-тўғри авиакатновлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг март ойида Ўзбекистон пойтахтида Грузия маданияти кунлари муваффақиятли ўтказилди.

Ўзаро савдо ҳажмини, жумладан, Потти ва Батуми портлари салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали янада ошириш масалаларига устувор эътибор қаратилди.

Фармацевтика, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, транспорт, энергетика, рақамли технологиялар ва туризм соҳаларида кооперацияни ривожлантириш учун имкониятлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилди.

Ишбилармонлик, туристик ва гуманитар алмашинувларни йўлга қўйиш учун ҳудудлар ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Учрашув якунида Шавкат Мирзиёев Михаил Кавелашвилини мамлакатимизга ташриф билан келишга таклиф этди.

Тбилиси шаҳридаги тадбирлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Грузиянинг олий давлат мукофоти — “Олтин мўйна” ордени билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон — Грузия кўп қиррали муносабатларини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун давлатимиз раҳбарига ушбу мукофотни Грузия Президенти Михаил Кавелашвили топширди.

Ўзбекистон етакчиси Грузия Президенти Михаил Кавелашвили, Бош вазири Ираклий Кобахидзе ҳамда Парламент Ранси Шалва Папуашвилига юксак мукофот учун миннатдорлик билдириб,

дўст Грузия халқига тинчлик, фаровонлик ва равнақ тилади.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари Орбелиани саройининг Фахрий меҳмонлар китобига самимий тилакларини ёзиб қолдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Грузияга давлат ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Грузиянинг “Олтин мўйна” ордени

“Олтин мўйна” ордени — Грузиянинг олий давлат мукофотларидан бири.

Орден 1998 йилда таъсис этилган бўлиб, Грузия давлатчилигини ривожлантириш, мамлакат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, хорижий давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, шунингдек, грузин маданияти, илм-фани ва санъатини тарғиб этишга қўшган алоҳида ҳиссаси учун тақдим этилади.

Орден номи қадимги юнон мифологиясидаги Олтин мўйна ҳақидаги афсона ҳамда ҳозирги Ғарбий Грузия ҳудудида жойлашган тарихий Колхиди ўлкаси билан боғлиқ.

Орден нишончаси диаметри 52 миллиметр бўлган олтин юлдуздан иборат бўлиб, у катта етти учли ва кичик етти нузли юлдузларнинг ўзаро уйғунлашуви асосида яратилган. Нишонни безашда тўқ қизил ва кўк рангли эмаль, олтин безак элементлари, қизил ва кўк рангли қўшимча нақшлардан фойдаланилган. Марказий медальонда Олтин мўйна тасвири жойлаштирилган.

Орденнинг юқори қисми қалқон ва “LABOR PRO GEORGIA” (“Грузия фаровонлиги йўлидаги меҳнат”) деган шир



ёзилган тасма ушлаб турган икки олтин грифон кўринишида ишланган. Орденнинг орқа томонида унинг тартиб рақами, “Грузия олдидаги хизматлари учун” деган ёзув ҳамда тайёрланган йили кўрсатилади. Орден икки четидан олтинсимон чизиклар ўтказилган ҳаворанг тасмага тақилди.

Мазкур юксак мукофот билан турли йилларда Буюк Британия Қироличаси Елизавета II, Иордания Подшоҳи Абдулла II, Германия Канцлери Герхард Шрёдер, Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоган, Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев ва бошқалар тақдирланган.

Мулоҳаза

ТАРИХ ЯРАТАЁТГАН ИРОДА ТАНТАНАСИ

Тарих ҳар куни ёзилмайди. Миллат тақдирини ўзгартирувчи воқеалар ҳам, халқнинг эртанги кунига тамал тоши қўядиган шахслар ҳам ҳар замонда дунёга келавермайди. Баъзан ўнлаб йилларга татигулик ўзгаришлар бир авлод умри давомида рўй беради. Баъзан эса миллатнинг кечаги орзуси бугунги воқеликка айланади.



Таниқли сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг “Миллат Шавкати” мақола-сини ўқир эканман, қалбимда айнан шу туйғулар уйғонди. Чунки мақола оддий таҳлил ёки хотиралар тўплами эмас. У халқ ва давлат тақдирининг ҳал қилувчи паллаларида шаклланган сиёсий ирода, раҳбар масъулияти ва миллат тақдири ҳақидаги теран мушоҳададир.

Энг муҳими, ушбу фикр-мулоҳазаларни мамлакатимиз ҳаётида кечган

улкан ўзгаришларни четдан кузатган эмас, балки уларнинг марказида бўлган, Президентимиз билан турли босқичларда ҳамфикр ва ҳамнафас ишлаган, катта ҳаётий ва сиёсий тажрибага эга инсон қаламга олган. Шу боис, мақоладаги ҳар бир фикр ҳаёт ҳақиқати билан сугорилган.

Давоми 2-бетда

Июнь сарҳисоби

Мақолани ёзишга киришганимизда бир нарса равшан эди: унда маънавият ва иқтисод мавзуси устувор бўлади! Негаки мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётида июнь ойи мобайнида кечган воқеаларнинг аксарияти кўпроқ ана шу икки йўналиш кесимида кечди.

МАЪНАВИЙ БУЮК ХАЛҚ – ИҚТИСОДИЙ ТОМОНДАН ҲАМ БУЮК БЎЛАДИ

Президентимизнинг “Прагматик мулоқот — барқарор келажак сари йўл” шиори остида ўтган 29-Петербург халқаро иқтисодий форумининг ялпи йиғилиши ва Тошкент инвестиция форумида иштирок этиб, нутқ сўзлагани, Чирчиқ шаҳрига ташрифи, қатор хорижий давлат ва ҳукумат раҳбарлари, нуфузли халқаро делегацияларни қабул қилгани каби катта аҳамиятли воқеаларни иқтисодий йўналишлар қаторида тилга олиш мумкин.

Шунингдек, ойнинг дастлабки куни маданият ва санъат ходимлари билан соҳани янада ривожлантириш бўйича келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган учрашув, Наманганда ўтган мақом фестивалидаги иштирок, Андижон шаҳрининг “Туркий дунёнинг маданият пойтахти” деб эълон қилиниши доирасида халқаро тадбир, Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни тадбирлари ва табриги, Ёшлар куни муносабати билан давлатимиз раҳбари ва ёшлар учрашуви каби муҳим воқеликлар эса маънавиятга қаратилгани билан аҳамиятли.

Шу ўринда мамлакатимиз етакчиси 2024 йил 20 ноябрь куни Олий Мажлис

Қонунчилик палатасининг йиғилишида айтган машҳур иқтибосини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлса керак: **“Бизнинг иккита ўқ томиримиз, иккита таянч устунимиз бор: бири — иқтисодиёт, бири — маънавиятдир. Маънавий буюк халқ — иқтисодий томондан ҳам буюк бўлади”**.



1 июнь куни Халқаро конгресс марказида маданият ва санъат соҳаси вакиллари билан учрашув чоғида илгарилар таъсирчан, санъати жозибдор бўлса, ўша халқнинг овози дунёда баланд эшитилди, — деди Президентимиз.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида инсон қалбини тарбияладиган катта маънавий макон яратилаётгани, бу борада зиёлилар, ёзувчи ва шоирлар, маданият ва санъат намояндалари, креатив соҳа вакиллари йўни бекиёс экани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари мукофотланганларни бутун халқимиз номидан самимий табриклаб, юксак эътироф уларни янги ижодий ютуқларга илҳомлантиришига ишонч билдирди. Мукофотланганлар юксак ҳурмат ва эътибор, маданият ривож ва ижодкорларга яратилаётган кенг шароитлар учун миннатдорлик билдирди.

Шундан сўнг Президентимиз маданият ва санъат соҳаси вакиллари билан мулоқот қилди. Маданият ва санъат халқ маънавияти, маданият тафаккури ва ёшлар тарбиясида бекиёс ўрин тутишини таъкидлади. Айниқса, ҳозиргидаги техник тараққиёт ва мураккаб сиёсий жараёнлар фонида бу янада долзарблик касб этмоқда. Инсон онги ва қалбини эгаллаш учун чегара кесиб ўтиш шарт бўлмай қолди. Ана шундай шароитда китоб, театр, кино, мусиқа ва адабиёт жамиятнинг маънавий иммунитетини мустаҳкамлайдиган энг таъсирчан воситалар экани қайд этилди.

— Бугун дунёда қандай таҳликали ҳолат, қарама-қаршилик ва низолар рўй бераётганини кўриб турибмиз. Бундай вазиятда биз учун миллий бирлик ва ҳамжиҳатлик ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Ишончим комил, бу борада сизлар энг олдинги сафда туриб, чинакам ватанпарварлик, миллатга садоқат ва фидойилик фазилатларингиз билан ёшларимизга, бутун халқимизга намуна бўласизлар, — деди Президентимиз.

Давоми 3-бетда

ТАРИХ ЯРАТАЁТГАН ИРОДА ТАНТАНАСИ

Мулоҳаза

Бошланиши 1-бетда

Мақолани ўқир эканман, беихтиёр хотиралар уммонига гарқ бўлдим ва кўз ўнгимда Шавкат Мирзиёевнинг Жиззах вилояти раҳбарлик қилган, изланишларга бой йиллари қайта гавдаланди.

Буни баралла айтишга бугун ҳам тарих, ҳам виждон олдида тўла ҳаққимиз бор деб ўйлайман. Ўша йиллар Жиззах воҳаси ва унинг бағрикенг халқи учун ҳеч бир маънода осон кечмаган эди.

Бугунги фаровонлик ва бунёдкорлик манзарасидан туриб ўтмишга баҳо бериш осон. Аммо ўша мураккаб даврнинг руҳини, нафасини ўз танасида ҳис қилган одам яхши билади, вилоят у пайтларда ниҳоятда оғир иқтисодий-ижтимоий аҳволда эди. Қишлоқ хўжалигига, айниқса, пахта яксаҳокимлигига бир ёқлама боғланиб қолган заиф иқтисодиёт, мутлақо эскириб, яроқсиз ҳолга келган инфратузилма, йиллаб таъмир кўрмаган мактаб ва шифохоналар, энг ачинарлиси, одамлар кайфиятидаги умидсизлик ва тушқунлик устувор эди.

Ўша кезларда энг оғир дард инсонларнинг эртанги кунга, адолатта ва келажакка ишончи тобора сусайиб бораётганида эди. Ана шундай ниҳоятда таҳликали ва мураккаб шароитда ҳудудга мутлақо янгича дунёқарашга эга бўлган ёш, гайратли раҳбар келди.

Бугун орадан йиллар ўтиб, ўша даврга ҳолис назар ташлар эканмиз, бир ҳақиқатни очиқ ва дадил айтиш мумкин, Шавкат Мирзиёев иш фаолиятини бошлашда, аввало, одамларнинг қалбида сўниб бораётган ишонч оловини қайта уйғотди. Чунки у раҳбар сифатида муаммолардан қочмади, уларнинг кўзига тик қаради. Ҳар бир масалани шинамгинга иш кабинетига ўтириб эмас, балки энг чекка қишлоқлар, дала шийпонлари ва маҳалаларга кириб, одамларнинг ичидан туриб ҳал этишни ўзининг бош иш услубига айлантирди.

Эркин ХОЛМАТОВ,

Жиззах вилояти Экология ва иқлим ўзгариши бош бошқармаси бошлиғи,

Халқ депутатлари Жиззах вилояти кенгаши депутати



Ўша суронли йилларда, республика марказидан қандайдир қўшимча имконият ёки маблағ кутиб ўтирмасдан, ички куч ва

Ҳақиқатан ҳам, бугун биз бутун дунёга фахр билан танитаётганимиз янги Ўзбекистон феномени бир кунда ёки ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолган ҳодиса эмас. Бу йиллар



шижоатга таяниб амалга оширилган улкан ишлар бугун ҳам жиззахликларнинг ёдида. Жиззах аккумулятор заводининг

қайта тикланиши, Хотира боғи бунёд этилиши, ўнлаб шифохона ва мактаблар таъмирланиши, Жиззах олимпия захиралари коллежи қад ростлаши ва 2001 йилда илк бор “Баркамол авлод” спорт ўйинларининг республика финал босқичи Жиззах шаҳридаги маскур спорт масканида ўтказилиши, қишлоқ хўжалигида сўнгги ўн йилликларда биринчи марта белгиланган режалар ортиғи билан бажарилиши одамларнинг кўнглини кўтариб юборди, уларнинг қалбида “демак, ҳаракат қилсак бўлар экан, демак, ўзгартириш мумкин экан!” деган қатъий ишончни мустаҳкам қарор топтирди.

Бугун бутун мамлакатимиз ҳаётида кузатилаётган глобал ва улкан ўзгаришларнинг маънавий, сиёсий ҳамада стратегик илдизлари айнан ўша йилларда, ҳудудларни бошқаришда орттирилган тажрибаларда шаклланганини сиёсатшунос Қудратилла Рафиқов ўз мақоласида жуда асосли ва рад этиб бўлмас далиллар билан кўрсатиб беради.

Ҳақиқатан ҳам, бугун биз бутун дунёга фахр билан танитаётганимиз янги Ўзбекистон феномени бир кунда ёки ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолган ҳодиса эмас. Бу йиллар



мардонавор тан олиш ва уларни қатъият билан ҳал этишга йўналтирилган улкан сиёсий ироданинг қонуний ва мантиқий натижасидир.

Кечагина фақат марказдан кўмак ва дотация кутиб яшаган, иқтисодий имкониятлари чекланган ҳудуд бугун мамлакатнинг замонавий саноат хазинасида энг муҳим ва стратегик ўрин тутадиган қудратли вилоятга айlandи. Жаҳон андозалари даражасидаги янги автомобилсозлик лойиҳалари, йирик ва замонавий саноат корхоналари, экспорт ҳажми кескин ўсиши, аҳоли ўртасида ишсизлик ва камбағаллик сезиларли даражада қисқариши шунчаки қуруқ статистика эмас. Бу рақамлар ортда тубдан ўзгараётган инсон тақдири, оилалар фаровонлиги ва юртдошларимизнинг давлатга юксак ишончининг амалий ифодаси мутлақо.

Айниқса, маҳаллабай ишлаш ва маҳалаларни ички имкониятдан келиб чиқиб ривожлантиришга қаратилган мутлақо янги, дунё тажрибасида кам қузилган тизимли ёндашув алоҳида эътиборга молик. Бугун ҳар бир маҳалланинг иқтисодий салоҳияти, драйвер соҳалари чуқур ўрганилиб, унинг табиий ва меҳнат ресурсларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида ривожланиш дастурлари шакллантирилмоқда. Бу эса барча дадил ислохотларнинг марказида, энг аввало, инсон ва унинг манфаатлари турганининг яна бир ёрқин тасдиғидир.

Бугун дунё тараққиётида “иқтисодий ўсиш” тушунчаси тобора кенгайиб, унга инсон саломатлиги, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, тоза ҳаво, мусоффо сув, яшил ҳудудлар ва экологик хавфсизлик каби ҳаётий омиллар ҳамоҳанг тарзда қаралмоқда. Зеро, табиатга эҳтиёткор муносабат бўлмаган жойда фаровонлик ҳам, келажак авлодлар учун муносиб ҳаёт муҳити ҳам барқарор бўла олмайди. Шу боис, кейинги йилларда юртимизда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ислохотлар мамлакат тараққиётининг стратегик йўналишларидан бирига айланди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси

ЭКОЛОГИК ИСЛОХОТЛАР: БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ



Сўнгги йилларда экологик сиёсатга ёндашув тубдан ўзгарди. Авваллари атроф-муҳит муҳофазаси кўпроқ назорат ва чекловлар тизими сифатида талқин қилинган бўлса, эндиликда у давлат бошқаруви, иқтисодиёт, таълим, шаҳарсозлик, қишлоқ хўжалиғи, саноат ва жамоатчилик иштироки билан боғлиқ комплекс соҳалардан биридир. Бу эса экологик масалаларни фақат оқибатлар билан курашиш эмас, балки хавфларни олдиндан баҳолаш, олдини олиш ва ҳар бир соҳада “яшил” мезонлар орқали ҳал қилишни тақозо этади.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида сув ресурсларини тежаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгаришига мослашиш, чиқиндиларни бошқариш, яшил ҳудудларни кенгайтириш ва аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш каби вазифалар алоҳида устуворлик касб этди.


Экология соҳасидаги энг муҳим ўзгаришлардан бири бошқарув тизимининг институционал жиҳатдан кучайтирилиши

бўлди. Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси фаолияти йўлга қўйилиши, соҳада давлат назорати, мониторинг, таҳлил ва жамоатчилик билан мулоқот механизмлари такомиллаштирилиши экологик сиёсатга янги мазмун бермоқда. Бу, аввало, экологик муаммоларни маҳаллий ёки идоравий даражада эмас, миллий хавфсизлик ва барқарор ривожланиш нуқтани назаридан кўриш зарурлигини аниқлатади.

2025 йил 24 февралда қабул қилинган “Экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш тўғрисида”ги қонун соҳадаги энг муҳим ҳуқуқий янгиликлардан бири бўлди. Ўшбу қонун лойиҳа ва дастурларни амалга оширишдан олдин уларнинг атроф-муҳитга эҳтимолий таъсирини баҳолаш, экологик хавфларни эрта аниқлаш ва қарор қабул қилиш жараёнида экологик омилларни инобатга олиш имконини беради. Бу эса “аввал куриб, кейин оқибатини бартараф этиш” амалиётидан “аввал баҳолаш, кейин амалга ошириш” тамойилига ўтилаётгани белгисидир.

Стратегик экологик баҳолаш институти жорий этилиши, айниқса, муҳим. Чунки йирик инфратузилма, саноат, шаҳарсозлик, энергетика ёки транспорт лойиҳалари фақат иқтисодий самарадорлик нуқтани назаридан эмас, балки ҳаво, сув, тупроқ, биохилма-хиллик ва аҳоли саломатлигига таъсири жиҳатидан ҳам баҳолашни керак. Бу амалиёт ривожланган давлатларда кенг қўлланадиган “олдиндан огоҳлантириш” тамойилига мос келади. Демак, янги қонун экологик хавфсизликни таъминлаш билан бирга инвестиция муҳити шаффофлиги ва барқарорлигини ҳам оширади.

Сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш масаласи ҳам ҳуқуқий жиҳатдан янги босқичга кўтарилмоқда. 2025 йилда қабул қилинган янги Сув кодекси сув муносабатларини замонавий талаблар асосида тартибга солиш, сувдан тежамкор фойдаланиш, сув объектиларини муҳофаза қилиш ва сув хўжалиғи бошқарувида масъулиятни кучайтиришга хизмат қилади. Ўзбекистон каби сув ресурслари чекланган, иқлим ўзгариши таъсири кучайиб бораётган мамлакат учун



Қизилгул ҚОСИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

ушбу кодекснинг аҳамияти бекиёс. Чунки сув нафақат қишлоқ хўжалиғи ёки саноат, балки аҳоли саломатлиғи, озиқ-овқат хавфсизлиги ва экологик барқарорлик учун ҳам ҳал қилувчи ресурсдир.

Ер қаъри, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, ўрмонлар, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, чиқиндилар, экологик экспертиза ва санитария-экологик хавфсизликка оид қонунчилик ҳужжатлари ҳам соҳадаги ислохотларнинг ҳуқуқий пойдеворини ташкил этади. Муҳими, бугун қонунларга фақат тақиқ ёки жазо воситаси эмас, балки барқарор ривожланишни таъминлайдиган амалий механизм сифатида қаралмоқда.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда ишончли маълумот ва очиқ мониторинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан Экологик мониторинг миллий маркази ташкил этилиши соҳадаги ислохотларнинг илмий-амалий асосини мустаҳкамлайди. Ҳаво сифати, сув ресурслари, тупроқ ҳолати, биохилма-хиллик, саноат

чиқиндилари ва иқлим кўрсаткичлари бўйича аниқ, очиқ ва доимий маълумотлар мавжуд бўлсагина, самарали қарор қабул қилиш мумкин. Демак, экологик сиёсатнинг келгуси босқичи рақамли мониторинг, очиқ маълумотлар ва жамоатчиликка ҳисобдорлик билан ҳамбарчас боғлиқ.

Ўзбекистоннинг экологик ислохотларида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси алоҳида ўрин тутайди. Бу лойиҳа фақат дарахт экиш акцияси эмас, балки шаҳар ва қишлоқларда яшаш муҳитини яхшилаш, ҳаво сифатини муҳофаза қилиш, тупроқ эрозиясининг олдини олиш, иссиқ иқлим шароитида табиий соя ва намлик мувозанатини сақлашга қаратилган кенг қамровли ижтимоий ҳаракатдир. Муҳими, эндиликда “Яшил макон” доирасида очилкич ва рақамлаштириш механизмлари жорий этилмоқда. Аҳоли дарахт экиш мумкин бўлган ҳудудлар, сув таъминоти, парварниш имкониятлари ва бюджет маблағлари сарфи ҳақида маълумотга эга бўлиши лойиҳа самарадорлигини оширади.

Бу ерда энг муҳим масала екилган кўчатлар сонини эмас, уларнинг яшаб кетиши, парварниши ва ҳудуд экологиясига реал таъсирдир. Шу боис, дарахт экишда маҳаллий иқлимга мос навларни танлаш, сўғориш тизимини йўлга қўйиш, маҳалла, таълим муассасалари, тадбиркорлар ва нодавлат ташкилотлар иштирокини кучайтириш зарур. “Яшил макон”нинг ҳақиқий натижаси йиллик ҳисоботларда эмас, балки шаҳарларимизда нафас олиш енгиллашганда, маҳаллаларда соя-салқин масканлар кўпайганда, болалар ва кексалар учун қулай экологик муҳит яратилганда намоён бўлади.

Чиқиндиларни бошқариш соҳасида янги ёндашув шаклланимоқда. Маиший чиқиндиларни тўплаш, саралаш, қайта ишлаш ва улардан иқтисодий қиймат яратиш бугун циркуляр иқтисодиётнинг муҳим йўналишидир. Чиқиндини муаммо эмас, ресурс сифатида кўриш маданияти ривожланмас экан,

қийнаётган муаммолар жойларнинг ўзида, Халқ қабулхоналари орқали тизимли ҳал этилиши, камбағалликни қисқартириш бўйича мутлақо янги мезонлар яратилгани, ёшлар ва хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш сиёсати ҳамда ташқи меҳнат миграциясини тартибга солиш, хориждаги ватандошларимиз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қилинаётган мисли кўрилмаган ишлар фикримизнинг яққол тасдиғидир.

Биз бугун кўпинча фақат эришилган натижалар ва улкан бунёдкорлик ҳақида гапираемиз. Лекин баъзан бугунги ютуқларнинг ҳақиқий қийматини, нечоғлиқ машаққат билан қўлга киритилганини теран англаш учун янги ўтмишни, кечаги кунни ҳам бир бор ёдга олиш мақсадда мувофиқ бўлади.

Кекса ва ўрта авлод вакиллари жуда яхши эслайди, бир вақтлар биз дунёнинг ривожланган, фуқаролари тўқ ва фаровон яшайдиган давлатларига фақат ҳавас кўзи билан боқардик. Она Ўзбекистонимиз ҳам қачондир мана шундай тараққий этган, инсон ҳуқуқлари устувор бўлган мамлакатлар қаторига қўшилирмикан деб орзу қилардик.

Бугун эса халқро ҳамжамият, нуфузли сиёсий доиралар Ўзбекистонда кечаётган шиддатли ва тизимли ўзгаришларни катта қизиқиш, ҳайрат ва ҳавас билан кузатишда, ундан андоза олмоқда.

Мамлакатимизнинг глобал майдондаги геосиёсий нуфузи ва овози тобора ошиб бораётгани, йирик хорижий инвестициялар ҳамда транснационал лойиҳаларнинг юртимизга ҳеч қандай хавф-хатарсиз кириб келаётгани ёки қадимий Самарқанд шаҳрининг қисқа фурсатда дунё иқтисодий ва халқаро сиёсат марказларидан бирига айланиши ҳам ана шу тўғри танланган тараққиёт йўлининг амалий ифодасидир.

Муҳтасар айтганда, Қудратилла Рафиқовнинг “Миллат Шавкати” мақоласи бир буюк ҳақиқатни яна бир бор мустаҳкам тасдиқлади. Зеро, халқ чин дилдан ишонган, ўз раҳбари билан елкадош бўлган ислохотлар ҳеч қачон тўхтамайди ва асло ортга қайтмайди.

Чунки бундай изчил янгиланишлар шунчаки қозғоларда ёки қуруқ қонунларда эмас, миллионлаб инсонлар қалбида, дунёқарашда ва онгу шуурида қарор топиб бўлди. Бу эса янги Ўзбекистонимизнинг порлоқ келажиги учун энг мустаҳкам, энг енгилмас пойдевордир.



Қишлоқ ҳўжалиги — имкониятларга бой соҳа. Бозорларимиз файзу баракаси, дастурхонимиз кўрки, ҳаётимиз фаровонлиги ҳам кўп жиҳатдан шу соҳа ривожига боғлиқ. Кейинги йилларда аграр соҳани ислоҳ қилиш, бозор талабларига мослаштириш ва янги ташаббусларни қўллаб-қувватлашга эътибор ошди. Соҳага илм-фан, янги техника ва технологиялар кириб келди. Экин майдонларини сўғоришда тежамкор усуллардан фойдаланилаётгани натижасида ҳосилдорлик салмоғи ошди, сифати яхшиланди, экспорт географияси кенгайди.

“
Ўтган йили Фарғона вилоятида етиштирилган 235 минг тонна мева-сабзавот 60 давлатга экспорт қилинган. Биргина гилос экспорти қиймати 29,8 миллион долларни ташкил этди. Бу йил мазкур кўрсаткич салмоғи янада оширилади.

ЭКСПОРТ

ҲАЖМИ ОШДИ,

ГЕОГРАФИЯСИ

КЕНГАЙДИ

Шерзод ҚОРАБОВЕВ олган суратлар.

Фарғоналиклар боғдорчилик сирларини пухта ўзлаштирган. Қуёшли заминда етиштирилган сархил мевалар яқин қўшни давлатлардан ташқари Европа, Хитой, АҚШ каби узок мамлакатлар бозорига ҳам кириб борди. Бугун вилоятда 55 минг гектар боғ ва тоқзор мавжуд. Жорий йилда умумий қиймати 500 миллион долларлик 611 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш кўзланган. Бунинг учун имконият, шароит етарли. Масалан, кейинги ўн йилликда 8000 гектардан ортик саноатлашган боғ ва тоқзор барпо этилиб, 6000 гектар кам ҳосилли мевазор янгиланди.

Қува туманидаги 6500 гектар мевазорнинг 1200 гектари интенсив боғлар. Айни кунда тумандаги 38 та экспортёр қорхона 11 давлатга умумий қиймати 8 миллион долларлик гилос ва ўрик экспорт қилди. “Жаннат боғи” фермер ҳўжалиги томонидан адирлар ўзлаштирилиб, сув тежовчи технологиялар ердамида 70 гектар ерда интенсив гилосзор барпо этилди. Озарбайжондан келтирилган навлар серхосиллиги ва экспортбоплиги билан ажралиб туради.

— Мевамизни кимёвий ўғитларсиз, органик усулда етиштиришга алоҳида эътибор қаратдик, — дейди боғбон Одилжон Мирзақосимов. — Органик қишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти деб сертифициланган маҳсулотлар бошқаларига нисбатан қimmat баҳоланади ва сотилади. Шу боис, табиий экологик мувозанат ва экотизимни сақлаш, синтетик минерал ўғитлар ҳамда пестицидлардан воз кечган ҳолда табиий минераллардан фойдаланиб, маҳсулот етиштиришга ҳаракат қилғимиз. Ивланишларимиз бесамар кетмади. Бу йил

илк бор АҚШ, Япония, Жанубий Кореядаги йирик савдо тармоқларига маҳсулот етказиб бердик.

Органик қишлоқ ҳўжалиги майдони ташкил қилган фермер ва деҳқонларга ерни лазер билан текислаш харажатини давлат қоплаб беради. Organic, Halal, Kosher каби сертифицикатлари олиш харажати учун тадбиркорларга субсидия ажратилиши белгиланган. Бу органик маҳсулотлар салмоғини кўпайтириш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга.

Фарғона вилояти ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси масъуллари даладан экспортгача бўлган жараёнда боғдорчилик ҳўжаликлари ҳамда тадбиркорлик субъектларига яқиндан кўмак бермоқда. Амалий лойиҳалар Олтириқ туманида ҳам изчил амалга оширилмоқда. Жорий йил туманда 6500 тонна сиймга эга 7 та музлаткичи замонавий омборхона барпо этилди. Бу мева-сабзавотларни сифатли сақлаш ва йил давомида экспорт қилиш имконини беради. Аввалги йиллари туманда экспортга кўмаклашувчи битта марказ фаолият юритган бўлса, бугунга кели уларнинг сони 3 тага етди.

— Жорий мавсумда туманимиздаги экспортга кўмаклашувчи барча марказ 24/7 режимида ишламоқда, — дейди тадбиркор Абдувоҳид Ғофуров. — Бу ортиқча овозагарчилик, расмийчиликларнинг олдини олишга хизмат қилади. Ҳамма ҳужжат “Бир дарча” тамойили асосида шу ернинг ўзида расмийлаштирилмоқда.

Ўтган йили Фарғона вилоятида етиштирилган 235 минг тонна мева-сабзавот 60 давлатга экспорт қилинган. Биргина гилос



экспорти қиймати 29,8 миллион долларни ташкил этди. Бу йил мазкур кўрсаткич салмоғи янада оширилади.

— Бу йўналишда “даладан экспортёргача” тамойили асосида ишлаяпмиз, — дейди Фарғона вилояти ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси бошлиғи ўринбосари Илҳомжон Турдиев. — Рухсат бериш ва сертификат ҳужжатларини расмийлаштириш

билан боғлиқ тизим тўлиқ электронлаштирилди. Ташқи иқтисодий фаолият юритувчи субъектлар билан тузилладиган шартномалар “онлайн-оферта” усулида расмийлаштирилди. Бу харидорга экин тури, етиштиришдаги агротехник тадбирлар, ҳосилни териблиш, қадоқлаш, юклаш билан боғлиқ барча жараёни бевосита кузатиб бориш имконини беради.

Вилоят ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармасига Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш халқаро жамағармаси гранти ҳисобидан умумий қиймати 164 минг долларлик замонавий фитосанитария, ўсимликлар ва мевали дарактлар касалликларини аниқлаш бўйича лаборатория устуналари олиб келинди. Янги жиҳозлар ўсимликларга зарар келтирувчи, оддий қурималарда билиб бўлмайдиган вирус ва бактериологик касалликларни эрта аниқлашда қўл келади.

Мева-сабзавотчилик тармоқлари ривожланган 13 та ҳудудда экспортчилар уюшмаси ташкил этилди. Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда хорижий тилларни пухта ўзлаштирган салоҳиятли ёшлар экспортёрларга бириктириб берилади. Фаол экспортёр ва тадбиркорлардан иборат жамоатчилик кенгашлари жойларда бўлиб, маҳсулот етиштириш, териш, қадоқлаш жараёнини назорат қилмоқда.

Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, экспорт ҳажми ва географиясини кенгайтиришга қаратилган янги лойиҳалар бу борадаги яш салмоғини янада оширмоқда. “Қува Агростар” замонавий қорхонаси фаолияти бунга мисол бўла олади. Сўнгги русумдаги технологиялар билан жиҳозланган агрокомплексда 12 турдаги 5000 тоннадан ортиқ маҳсулот етиштириш,

— Мажмуамиз тумандаги 33 маҳаллада жойлашган 3000 хонадон ва 1000 та деҳқон ҳўжалиги билан кооперация асосида фаолият юритади, — дейди “Қува Агростар” қорхонаси лабораторияси мудир Сардорбек Тоиров. — Айни жараёнда аҳолига 10 сотих ердан ўртача 250 миллион сўм даромад қилиш амалиёти ўргатилмоқда. Жойларда кўчат етказиш, экинлар ривожини назорат қилиб, назарий ва амалий кўникмалар берувчи мобил лаборатория, хизмат ва ўқув марказлари ташкил этилди. Бу нафақат йирик боғларда, балки аҳоли томорқа ҳўжаликларида ҳам сархил ва экспортбоп маҳсулот етиштириш амалиётида қўл келади.

Агровольтаика усулида ташкил этилган узумзорда яратилган шароит ва имкониятлар ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Ҳудудда қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда икки босқичли сув тежовчи технологиялар ўрнатилган. Интенсив боғ, чорвачилик ва балиқчиликни қамраб олган 110 гектарли комплекс аграр тармоқ ривожига хизмат қилляпти. Қуёш панеллари электр энергияси билан таъминлаш бораборида экин учун соя вазифасини ҳам ўтамоқда. Шу орқали ўсимликлар илдизи атрофидаги намлик сақланыпти. Ушбу занжир ҳалқаси ҳароратни меъёрга ушлаб туриш орқали қуёш панелининг барқарор ишлашини таъминлайди. Бу, ўз навбатида, сув тежамкорлигига хизмат қилади.

— Бундай самарали лойиҳалар босқичма-босқич кўпайтириб борилади, — дейди Агростарнинг ривожлантириш агентлиги Фарғона вилояти бўлими бошлиғи Равшанбек Рўзбоев. — Вилоятимизда 55 минг гектар боғ ва тоқзор бор. Шундан 5500 гектари эскирган, 6000 гектар дашт ва адир ерларидан самарали фойдаланилмаяпти. Бугун мазкур ҳудудлар имкониятини ўрганиб, истиқболли лойиҳаларни ишга тушириш борасида ишланыпти. Бу қўшимча 300 минг тонна мева-сабзавот етиштириш ва иқтисодиётга 2 триллион сўмлик қўшилган қиймат занжирини яратиш имкониятини беради.

Фарғоналик боғбонлар маҳсулот ҳажми ва экспорт салмоғини оширишга қаратилган йирик лойиҳалар кўламини кундан кунга кенгайтириб борапти. Ўтган йилнинг ўзида ташқи бозорга 235 минг тоннадан ортиқ сархил мева-сабзавот экспорт қилинган.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Юксалиш одимлари

Хўжайли туманидаги “Қирққиз Хўжайли текстиль” қорхонасига асос солган тадбиркор Норгул Худойбергенова битта тикув машинаси билан иш бошлаган эди. Бугунги кунга келиб, у раҳбарлик қилаётган йирик қорхонада юздан ортиқ хотин-қиз иш билан таъминланган. Қорхонада миллий либослар, буюртма асосида касбга оид махсус кийимлар ҳамда кўрпа-тўшаклар тикилиб, истеъмолчиларга етказиб бериляпти. Миллий кийимлар, асосан, Қозоғистонга экспорт қилинмоқда.

ТАДБИРКОРЛАРГА МУНОСАБАТ ЎЗГАРГАНДА...

— Кўп йилдан буён шу тикув цехида ишлаяпман. Қорхонамизнинг миқозлари кўп. Жамоамиз аҳил, — дейди чеварлардан бири Гулбаҳор Оразниёзова.

Бу ерда мавсумий равишда талаба ва мактаб ўқувчилари ҳам оиласига қўшимча даромад топиш учун ишлайди. Шунингдек, касаначилик йўлга қўйилган.

Хўжайли тумани “Муствақиллик” овул фуқаролар йиғинида яшовчи Қомилжон Алламбергенов томорқасидан унумли фойдаланмоқда. Оила аъзолари билан бирга бир гектар ерда сархил мева-чева ва полиз экинлари қўйиб, қўшимча даромад топади.

— 2017 йилда Президентимиз билан учрашиш бахтига муяссар бўлдим. Шундан сўнг боғдорчиликни ривожлантириш учун кўмак берилиб, солиқлар бўйича имтиёзлар жорий қилинди. Ўша учрашувдан руҳий куч олиб, ишларим ҳам юришиб кетди. Бошқа вилоятлардан яхши навли мева кўчатларини келтириб ўтқаза бошладим. Ҳозир боғимиз гуллаб-яшналяпти, — дейди Қомилжон Алламбергенов. — Асаларичиллик билан ҳам шугулланамиз. Мевалардан табиий сирка тайёрлайман, ўрик қоқлайман. Кўчат етиштириб, сотаман. Хуллас, уйимизда бекор ўтирганнинг ўзи йўқ. Эрта тонгдан туриб тоза ҳавода экинларни парваришлаймиз. Даромадимиз ўзига яраша. Ахир меҳнат қилган одам яхши яшайди. Тадбиркорлик, фермерлик билан шугулланаман деганлар учун барча имкониятлар бора. Фақат астойдил меҳнат қилиш, ҳаракатдан тўхтамаслик керак.

Хўжайли тумани мебель тайёрлаш бўйича етақчи ўринни эгаллайди. Туманда ишлаб чиқарилган мебелларнинг хари-



дориглиги сифати яхшилиги ва нархи арзонлигида. “Тинчлик” маҳалла фуқаролар йиғинидаги “Раҳат Оразимбетов” мебель ишлаб чиқариш қорхонаси ўттиз йилдан буён фаолият юритиб келади.

— Юртимизда тадбиркорлар учун яратиб берилаётган имкониятлардан фойдаланиб, ишимизни тақомиллаштириб борапмиз. Германиядан олиб келинган устуналар фаолиятимизни енгиллаштириб, маҳсулотларимиз сифатли қилинган асос бўлмоқда. Шунингдек, устоз-шогирд анъанаси йўлга қўйилган. Ёшларга

хунар ўргатиш ва улар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келамиз, — дейди тадбиркор Саида Мавлонбергенова.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда ўзига хос янги тизим — Оролбўйи ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш мақсадида вилоятларни Қорақалпоғистон Республикаси туманларига бириктириш амалиёти йўлга қўйилган эди. Бу эзу та-шаббус бугун ўз амалий натижаларини бермоқда.

Бухоро вилояти ва Хўжайли туманининг амалий ҳамкорлиги билан шу пайтгача уйда фақат жундан оддий гилам тўқиш билан шугулланиб келган 15 хотин-қиз Бухорога таклиф этилди.

Улар 10 кун мобайнида машҳур “Бухоро ипак гилам маркази” оилавий қорхонасида бўлиб, бухоролик уста-хунармандлардан ипақдан гилам тўқишнинг қадимий сир-асрорларини ўрганди. Жун гиламга нисбатан анча мураккаб, аммо дунё бозорига юқори баҳоланадиган ипак гилам тўқишни ўзлаштирган хотин-қизлар энди янги тармоққа асос солмоқда. Хўжайли туманининг ўзида ҳам ипақдан гилам тўқиш марказларини очиб ва шу орқали юзлаб маҳаллий хотин-қизлар бандлигини таъминлаш кўзда тутилган.

— Бу каби лойиҳалар нафақат икки ҳудуд ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлайди, балки Оролбўйи аёлларининг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни даромад манбаи билан таъминлашда муҳим кўприк вазифасини ўтайди. Бухоро тажрибаси асосида Хўжайлида қад ростиладиган янги гиламдўзлик марказлари яқин келажақда Қорақалпоғистон бренди остида дунё бозорларига нафис ипак гиламлар чиқариш имконини беради, — дейди Бухоро вилояти ҳокими ўринбосари Ҳафиза Ортиқова.

Хўжайли туманидаги Байтерек ва Муртазобий маҳаллаларини боғловчи Т.Ибрагимов кўчасидаги пиёдалар кўприги қайта таъмирланди, фойдаланишга топширилди. У аҳолининг кундалик қатнов йўли бўлиб, йиллар давомида қаровсиз қолган ва кўплаб муаммолар туғдириб келган. Муаммолар ҳал этиш мақсадида маҳаллий тадбиркор Улугбек Бобоқонов ўз ҳисобидан кўприкни тўлиқ қайта таъмирлади. Кўриб турганимиздек, тадбиркорлар фақат ишлаб чиқариш, фуқаролар бандлигини таъминлаш билан чекланиб қолмай, савоб ишларга ҳам қўл уриятти.

Тумандаги Тошқўпри маҳалласида давлат-хусусий шериклик асосида “Нурли қадам” мактабгача таълим ташкилоти қуриб битказилди. Бу ишлар тадбиркор П.Машарипова томонидан бажарилди. Лойиҳага учун жами 3,7 миллиард сўм сарфланиб, замонавий қўлайликларга эга 120 ўринли болалар боғчаси ишга туширилди. Натижада 16 киши доимий иш билан таъминланди.

Хўжайли туманида тадбиркорлар учун яратилаётган имкониятлардан тўғри фойдаланиб, фаолият юритаётган ишбилармонлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Албатта, буларнинг барчаси юртимизда тадбиркорларга муносабат яхши томонга ўзгарганидан далолат беради.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Обод манзиллар

“Ташаббусли бюджет” халқ истаклари рўёби, маҳаллалар тараққиёти гарови бўлиб бормоқда. Сурхондарё вилоятида ҳам 2022-2026 йилларда аҳоли томонидан илгари сурилган лойиҳаларни молиялаштириш орқали ҳудудлардаги муаммоларни ҳал қилишда “Ташаббусли бюджет” дастури муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

“ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ” —



маҳаллалар тараққиёти гарови

Бугунги кунда вилоятнинг Денов туманида ҳам 27 миллиард 22 миллион сўмдан зиёд маб-ла ҳисобига инфратузилмани яхшилаш, хусусан, йўлларни асфальт қилиш қизгин давом этапти.

Қурилиш жараёнлари Кўкабулоқ, Лўпон, Истиклол юлдузи, Шахринав, Ойбарак, Қорахон, Қизилжар ва Хўжахалқи маҳаллаларида пудратчи ташкилотлар йўлсозлари томонидан жадал асосида олиб боришмоқда.

Лойиҳалар ижроси юзасидан давлат ва жамоатчилик назорати кучайтирилган.

Денов туманининг Қорахон маҳалласи аҳли ҳудудда йўл инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида кетма-кет икки марта ғолиб деб топилиди.

— Авваллари кўчанимизда юриш жуда қийин эди. Машина кириши туғул пиёда юришининг ўзи бир машаққат бўлган. Қишда лой, ёзда чанг бўларди, — дейди Қорахон маҳалласида яшовчи Холмирза Жумаев. — Айниқса, куз ва қиш мавсумида йўллар лой бўлиб, болалар мактабга, катталар ишга боришда қийналарди. Шу кунларда маҳалла кўчаларига асфальт ётқириш якунланиши арафасида. Табиийки, ҳудуд аҳли бундан жуда хурсанд.

Сурхон воҳасида 2022-2026 йиллар давомида “Ташаббусли бюджет” дастури маҳаллаларда инфратузилмасини яхшилаш, аҳолининг долзарб муаммоларини ҳал этиш ва фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини оширишга хизмат қилмоқда.

Келинг, бу борада йиллар кесимида бажарилган ишлар кўламини рақамлар орқали изоҳласак.

2022 йилда Сурхондарё вилоятидан 13 минг 691 та лойиҳа таклифи киритилган. Ўша пайтда бу республикадаги энг юқори кўрсаткичлардан бири бўлган. 2022 йилнинг 2-мавсуми якунлари бўйича вилоятда ғолиб лойиҳалар учун 78,2 миллиард сўм ажратилган эди.

2023 йилда “Ташаббусли бюджет”нинг 1-мавсумида вилоят аҳолисининг 1 миллион 300 мингдан ортиғи овоз бериш жараёнларида иштирок этиб, жами 9595 та лойиҳа таклиф қилинган. Уларнинг 212 таси қўллаб-қувватланишига эришилган. Бу лойиҳаларни амалга ошириш учун 110,6 миллиард сўм йўналтирилган. 2024-2026 йилларда асосий эътибор ички йўлларни асфальтлаш, ичимлик сув қувури тортиш, электр тармоқларини модернизациялаш, кўчаларни ёритиш тизимлари, мактаб ва боғчаларни таъмирлашга қаратилган.

— “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси энг чекка ҳудудларнинг ҳам обод бўлишига ҳисса қўшмоқда. Бундай эътибордан барча мамнун, — дейди тадбиркор Собитжон Ҳўжакулов.

Мазкур лойиҳа ҳудудлар аҳли яқдиллиги ва ташаббускорлиги ифодаси бўлиб қолди. Юрдошларимиз лойиҳани ҳар бир мавсумда катта хурсандчилик билан қарши олмақда. Бу каби ташаббуслар самараси қиш келажақда эмас, бугунги кунларимизда акс этяётгани билан аҳамиятли.

Сарвар ТўРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ИЛМҲИЙ ЁНДАШУВ ВА АМАЛИЙ ЕЧИМ

Наманганда иш бошлаган янги марказ эртамиз эгалари билан ишлашда ўзига хос тажрибага таянади

Ёшлар — миллатнинг нафақат бугуни, шу билан бирга эртасини белгилайдиган куч. Шу боис, мамлакатимизда ёшлар сиёсати йилдан йилга чуқурлашиб, янги маъно ва мазмун касб этмокда. Президентимиз Ёшлар куни муносабати билан ташкил этилган мулоқотда қайд этганидек, ислохотларнинг илк кунларидан ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг орзу ва интилишларини рўёбга чиқариш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олингани эндиликда ўз самарасини бермокда.



Камолот пиллапояси



Шу билан бирга, ҳозир мамлакатимизда бу борадаги ишларга сифат ва илмий жиҳатдан ёндашилаётгани диққатга сазовор. Яъни давлатимиз раҳбари ҳар бир соҳадаги муаммони илмий асосда ҳал этишни, ёшлар масаласида эса етакчи олимлар тажрибасига таянишни давр талаби сифатида олдинга сурмокда. Дунёда кун сайин ёшлар онгини эгаллашда янги таҳдидлар юзага келаётган шариотда барча даражадаги раҳбарлар ёшлар билан ишлаш бўйича янги иш тизимига ўтишни зарурлигини таъкидлади. Чунки ёшлар масаласи бўйича муаммоларни аниқлаш ва тизимли ҳал этишда камчиликлар йўқ эмас.

Айни шу муаммонинг ечимини сифатида Наманган вилоятида мазкур соҳага бевосита масъул ҳисобланган Давлат хавфсизлиги хизмати вилоят бошқармаси ташаббуси билан янги тажриба йўлга қўйилди. Жорий йилнинг 23 июнь кунини давлатимиз раҳбарининг Наманган вилоятига ташрифи чоғида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва таҳлил қилиш маркази фаолияти билан танишиб, уни келгусида янада кенгайтириш бўйича аниқ топшириқлар берди.

Наманган давлат университети қошида иш бошлаган ушбу марказга сиёсатшунос, ҳуқуқшунос, иқтисодчи, педагог, психолог ва социологлар жалб этилган. Бундан қўланган мақсад — марказни ёшлар муаммоларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш бўйича илмий асосланган тақлиф-тавсиялар ишлаб чиқувчи илмий-амалий тузилмага айлантириш. Унинг фаолияти кенг қамровли. Ёшларга оид давлат сиёсати ижросини мониторинг қилиш, муаммоларни жойига қўйиб аниқлаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш, норматив ҳужжатлар ҳамда давлат дастурлари лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этиш, ёшлар дуч келаётган таҳдидлар, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик сабабларини аниқлашга қаратилган социологик сўровлар ўтказиш шулар жумласидан. Шунингдек, бу ерда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлардаги ёшлар кайфиятини таҳлил этиш орқали ахборот-таҳлилий материаллар ҳам тайёрланади.

Марказ фаолияти самарали бошланди. Жумладан, Уйчи туманидаги 53 та маҳаллада олиб борилган тадқиқот жараёнида 1200 нафардан ортиқ ёш ўрта-сид сўровнома ўтказилди, 500 дан зиёд ёшдан оғзаки интервью олинди. Тумандаги 100 дан ортиқ объектнинг ёшлар манфаатига хизмат қилиш самарадорлиги таҳлил қилинди. Натижада 100 дан зиёд долзарб муаммо аниқланиб, ҳар бири бўйича аниқ ечим тақлиф этилди ва ижрога йўналтирилди.

Бугун ёшлар бандлиги кун тартиби марказида турибди. Президентимиз таъкидлаганидек, энг муҳим вазифа, аввало, ёшлар бандлигини таъминлаш, муносиб даромад олиши учун уларга шариот яратиб беришдан иборат. Марказ мутахассислари ушбу йўналишда

ҳам амалий тақлифлар ишлаб чиқди. Жумладан, Қумтөпа, Файзобод ва Жийдақапа маҳаллаларида норасмий банд бўлган 600 нафар ёш касбга ўқитилиб, малакали мутахассис тайёрлаш ва даромадини ошириш мумкинлиги асосланди.

Туманда норасмий меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган ёшлар учун барқарор даромадга эга бўлмаган, лекин норасмий банд ёшлар макомини жорий этиш тақлифи берилди. Ушбу мақом доирасида уларнинг меҳнати соддалаштирилган тартибда расмий ҳисобга олинади ва меҳнат дафтарчаси юритилади. Натижада қўллаб-ёшларнинг расмий бандлиги таъминланади, меҳнат стажини шаклланиб, ижтимоий ҳимоя қамрови кенгайди, яширин иқтисодиёт эса камайди.

Марказда бошқа йўналишларда ҳам бир қатор тақлифлар шакллантирилди. Маҳаллалардаги бўш ва самарасиз фойдаланилаётган биноларни давлат-хусусий шериклик асосида фойдаланишга бериш, ёшларнинг спорт турларига бўлган қизиқишидан келиб чиқиб селекция-не-мураббийларни манзилли бириктириш, спорт иншооти йўқ маҳаллаларда ёшлар учун спорт инфратузилмасини яратиш, ёшларнинг касбий компетентлиги ва амалий кўникмаларини ошириш мақсадида умумтаълим мактабларида касбга йўналтириш тизимини кенгайтириш шулар сирасига қиради.

Ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлиқнинг олдини олиш алоҳида эътибор талаб этадиган масала. Давлатимиз раҳбари “Аслида, битта бўлса ҳам

“Марказ фаолияти самарали бошланди. Жумладан, Уйчи туманидаги 53 та маҳаллада олиб борилган тадқиқот жараёнида 1200 нафардан ортиқ ёш ўртасида сўровнома ўтказилди, 500 дан зиёд ёшдан оғзаки интервью олинди. Тумандаги 100 дан ортиқ объектнинг ёшлар манфаатига хизмат қилиш самарадорлиги таҳлил қилинди.



Тадқиқот жараёнида туманда иқтисодий ва истеъдодли ёшлар қўплиги, аммо уларни ўсиб келаётган авлодга намуна сифатида кўрсатиш механизмининг йўқлиги аниқланди. Шу боис, ҳар бир маҳаллада турли соҳада ютуққа эришган ёшлардан “Ёшлар қаҳрамони”ни аниқлаш ва тарғиб қилиш тизими тақлиф этилди. Натижада маҳаллаларда 150 нафардан ортиқ янги истеъдод ва лидер тарқибни шаклланди. Бу ёшлар ўртасида ижобий намуна муҳитини, мотивацияни, соғлом рақобат ва ўз устиди ишлаш руҳини кучайтирмокда, салбий таъсирларни эса камайтирмокда.

Жиноят бўлгани ҳаммамизни ташвишга солиши керак” деб бежиз таъкидламади. Марказ бу йўналишда “сайёр суд”лар амалиётини кенгайтириш, ҳуқуқ-аъторида салбий ўзгариш кузатилаётган ёшлар билан профилактик ишларни кучайтириш ва уларнинг жазони юқори этиш муассасаларига сайёр ташрифларини ташкил этиш, шунингдек, Наманган вилояти мусикали ва драма театрининг сайёр спектакллари маҳалла ҳамда таълим муассасаларида намойиш этиш орқали ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёш ёғлардан асраш тақлифлари илгари сурилди.

Ёшлар куни муносабати билан бўлиб ўтган мулоқотда давлатимиз раҳбари “Бугунги куннинг муваффақият формуласи, эртанги тараққиётнинг мустахкам замини учта энг муҳим устунга таянади. Бу — билим, касб ва технология!” дея таъкидлади. Давлат хавфсизлиги хизмати Наманган вилояти бошқармаси томонидан илгари сурилган ушбу тажриба айни шу формуланинг амалда қандай ишлаганига яққол далил. Марказда ёшлар муаммосига илмий нигоҳ орқали аниқ ва амалий ечим топилади. Бу нафақат бир туман ёки вилоят, балки бутун мамлакат миқёсида таътиб этишга арзийдиган тажриба.



Нуқтаи назар

ЁШЛАР САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Ёшлар куни муносабати билан Олимпия шаҳарчасида Президентимиз билан бўлиб ўтган учрашув ёшлар сиёсати сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилгани яна бир бор намоён этди. У ёшлар фақат давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган ижтимоий қатлам эмас, балки мавжуд муаммоларга самарали ечим тақлиф этаётган, янги иқтисодий ва ижтимоий қиймат яратётган куч экани яна бир бор тасдиқлади.

Президентимизнинг “Ворислик фақат фахрлиниш эмас, улкан масъулият ҳамдир”, деган сўзлари учрашувнинг гоёвий мазмунини ифодалади. Биринчи ва Иккинчи Ренессанс даврларида жаҳон тамаддунига беқийс ҳисса қўшган буюк алломаларимизга ворислик фақат тарих билан фахрлинишни эмас, балки билим яратиш, илмий тафаккурни ривожлантириш ва халқ манфаатига хизмат қиладиган янгиликларни ҳаётга таътиб этиш масъулиятини ҳам юклайди. Шу жиҳатдан Учинчи Ренессанс гоёси тобора аниқ амалий мазмун касб этмокда. Унинг пойдевори замонавий мактабларда, олий таълим ва илмий муассасаларда, технопарк ва лаборато-



Фарангиз ЭШҚУРДИЕВА,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат
институтини докторанти

Аҳолини рўйхатга олиш тадбирининг дастлабки натижаларига кўра, 2026 йилда мамлакатимиздаги 14-30 ёшли аҳоли сони 9,5 миллион нафарни, яъни умумий аҳолининг 25 фоизини ташкил этади. Ҳар йили меҳнат бозорига 600 мингдан ортиқ ёш кириб келмокда. Бу демографик салоҳият Ўзбекистоннинг стратегик устун-



рияларда, ёшлар ташкил этаётган стартапларда, яратилаётган дастурий маҳсулотлар, муҳандислик ишланмалари ва ижтимоий лойиҳаларда барпо этилмокда. Зеро, бу гоёнинг натижадорлиги ёшларга яратилаётган имкониятларнинг илмий натижа, инновацион маҳсулот ва жамият манфаатига хизмат қиладиган ташаббусларга айланиши билан белгиланади.

Мазкур сиёсатнинг ҳуқуқий пойдевори, энг аввало, Конституциямизда давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантириш сифатида белгиланган. Шунингдек, ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий ривожланиши, таълим олиши, соғлигини сақлаш, уй-жойга эга бўлиши, ишга жойлашиши ва бандлиги учун шарт-шариот яратиш давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида мустаҳкамланган. Шу боис, ёшларга таълим олиш, касб эгаллаш, меҳнат қилиш, ўз истеъдодини рўёбга чиқариш ва давлат бошқарувида иштирок этиш имкониятини яратиш муайян даврга мўлжалланган ижтимоий ёрдам эмас, балки конституциявий мажбуриятларни амалга ошириш шаклидир. Ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳар бир дастур тенг имкониятларни кенгайтириш, инсон салоҳиятини ривожлантириш ва шахснинг эркин камол топиши учун ҳуқуқий ҳамда институционал шариот яратди.

Мазкур ёндашув “Янги Ўзбекистон ёшлари — 2030” стратегиясида аниқ мақсадлар, натижа кўрсаткичлари ва ижро механизмлари билан мустаҳкамлаб қўйилди. Унда ёш инсон давлат қарорларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва натижаларини баҳолаш жараёнида фаол иштирокчиси сифатида эътироф этилди. Стратегия ёшлар манфаатларини таъминлаш, иқтисодий самарадорлик, молиявий барқарорлик, ҳисобдорлик, шаффофлик, узлуксиз режалаштириш ва миллий-маънавий уйғунлик тамойилларига асосланади.

Бироқ демографик устунлик ўз-ўзидан тараққиёт омилга айланмайдми. Унинг иқтисодий ва ижтимоий самараси ёшларнинг сифатли таълим, замонавий касб, илм-фан ва технологиялар билан қамраб олинишига бевосита боғлиқ.

Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг замонавий дунёда мамлакатлар ҳудуди ёки табиий бойликлари билан эмас, билим, технология ва инсон капитали билан рақобатлашаётгани ҳақидаги фикри алоҳида аҳамият касб этади. Билимлар иқтисодиёти шариотидан инсон тафаккури стратегик ресурсга, ёшларнинг малакаси ва янгилик яратиш қобилияти эса миллий тараққиётнинг ҳал қилувчи омилга айланмокда.

Сўнгги йилларда эришилган натижалар мазкур сиёсатнинг амалий самарасини кўрсатмокда. “Ёшлар дафтари” орқали 1,5 миллион ёшнинг муаммолари ҳал қилинган, ёш тадбиркорлар сони беш қарра кўпайган. Хорижий тилларини интенсив ўрганаётган йигит-қизлар сони 3,5 миллион нафарга етган. Ўқувчи ва талабалар халқаро фан олимпиадаларида 434 та, ёш спортчилар эса нуфузли мусобақаларда 2245 та медални қўлга киритган. Ушбу кўрсаткичлар давлат томонидан яратилган имкониятлар ёшларнинг шахсий интилиши ва меҳнати билан уйғунлашганда аниқ натижа бериши мумкинлигини кўрсатади.

Учрашувда илгари сурилган янги ташаббуслар ёшларни қўллаб-қувватлаш сиёсатини кейинги сифат босқичига олиб чиқмокда. Ҳар йили 500 минг йигит-қизини замонавий касбларга ўқитишга қаратилган “Келажақ билимлари экотизми”, касбини янгиламокчи бўлган ёшлар учун “касб вачерни”, эҳтиёжманд оилалардаги ишсиз ёшларнинг хусусий ўқув марказларида бепул касб эгаллаш, техникумларда давлат грантларини кенгайтириш каби механизмлар таълимни бевосита бандлик ва даромад билан боғлашга хизмат қиладми. Бу орқали ёшлар сиёсати меҳнат бозори талабларига мос барқарор компетенцияларни шакллантириш моделига ўтмокда.

Олий таълим битирувчисини ишга олган тадбиркор учун ёш мутахассисга нисбатан даромад ва ижтимоий солиқ ставкасининг бир йил давомида 1 фоиз этиб белгиланиши ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Бу механизм иш берувчининг манфаатини ёш мутахассиснинг бандлиги билан уйғунлаштиради, битирувчининг меҳнат бозорига киришидаги дастлабки тўсиқларни камайтиради. Бунда ёшлар бандлигини таъминлаш вазифаси иш берувчи учун аниқ иқтисодий рағбат билан мустаҳкамланмокда.

Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилган “Ёшлар мини-франшизаси” дастури, маҳаллий брендлар асосида бизнес бошлаш учун 300 миллион сўмгача фоизсиз ссуда ажратилиши, юқори даромад ва қўллаб-қувватлаш яратадиган лойиҳаларга 5 миллиард сўмгача инвестиция киритилиши ёшларнинг бизнес гоёларини бозорбоп ва барқарор лойиҳаларга айлантириш учун молиявий асос яратадми. Молиялаштиришнинг тайёр бизнес моделлари ва маслаҳат кўмаги билан уйғунлаштирилиши ёшлар тадбиркорлигини тасодифий фаолиятдан тизимли иқтисодий институтга айлантиришга хизмат қиладми.

Давлат бошқарувида ёшларнинг салоҳиятидан фойдаланишга қаратилган “ТОП-100” дастури, уларнинг вазирлик, идора ва халқаро ташкилотларда стажировка ўтатиш, иқтисодий ёшларнинг раҳбарлик лавозимлари ва кадрлар захирасига тавсия этилиши давлат хизматига меритократик мезонларни мустаҳкамлашга қаратилган. Ушбу механизмлар Конституциямизда белгиланган ёшларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирокчини рағбатлантириш, шунингдек, ишга жойлашиш ва бандлик ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шариотлар яратишга доир қондаларнинг изчил ифодасидир. Бундай тизимда ёш эмас, унинг билими, ташаббуси, касбий салоҳияти ва эришган натижага асосий баҳолаш мезонига айланади.

Ёш ҳуқуқшунос ва илмий ҳодим сифатида мазкур йўналишни алоҳида аҳамиятли деб ҳисоблайман. Замонавий давлат бошқаруви тажриба билан бирга янги билим, илмий-таҳлилий ёндашув, рақамли кўника ва ташаббускорликка ҳам таяниши зарур. Ёшларнинг давлат бошқарувида тизимли жалб этилиши авлодлар алмашинуви эмас, тажриба билан янги тафаккурнинг ўзаро уйғунлашуvidир. Бу эса қабул қилинаётган қарорларнинг сифати ва келажаққа йўналтирилганини оширади.

Давлатимиз раҳбарининг “Биз ёшларга яратиб бераётган имкониятлардан ҳеч бир ўғил-қизимиз четда қолмаслиги керак”, деган қатъий талаби ислохотларнинг инсонпарварлик моҳиятини ифодалайди. Ота-она қарамогидан маҳрум, ногиронлиги бўлган, миграция, ҳарбий хизмат ёки жазони ўташдан қайтган ёшлар учун “Қафолатланган биринчи қадам” пакети жорий этилиши давлат сиёсатида тенг имконият ва ижтимоий адолат тамойиллари устувор эканини кўрсатади. Шу тариқа янги ёшлар сиёсати фақат юқори натижаларга эришган ёшларни рағбатлантириш билан чекланмай, бошлангич имкониятлари турлича бўлган барча йигит-қизларнинг салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган инклюзив мазмун касб этмокда.

Амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий моҳиятини ҳуқуқ, имконият ва масъулиятнинг ўзаро уйғунлигида кўраман. Ҳуқуқ реал имконият билан таъминлангандагина амалий мазмун касб этади, имконият эса билим, ҳалол меҳнат ва шахсий масъулият билан уйғунлашгандагина тараққиёт натижасига айланади. Шу маънода, ёшларни қўллаб-қувватлаш сиёсатининг пировад мақсади фақат илмийлар тақдим этиш эмас, мустақил фикрлайдиган, далил ва илмий ҳулосалар асосида янги ечимлар ишлаб чиқадиган, жамият ва давлат олдидаги масъулиятини англайдиган авлодни шакллантиришдан иборат.

Давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан очиқ мулоқоти, уларнинг лойиҳаларини шахсан тинглаши ва истиқболли ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ёшларда давлат ислохотларига дахлдорлик, ишонч ва масъулият ҳиссини кучайтиради.

Бугун ёшлар учун яратилаётган имкониятлар аниқ ҳуқуқий, институционал ва молиявий механизмлар билан таъминланган. Улардан самарали фойдаланиш, чуқур билим, ҳалол меҳнат, юксак ҳуқуқий маданият ва ватанга садоқат билан мамлакат тараққиётига ҳисса қўиш давлатимиз томонидан билдирилган юксак ишончга муносиб жавобдир. Ана шундай масъулиятли ва бунёдкор авлодга буюк аждодлар меросини давом эттириб, Учинчи Ренессанс пойдевориини мустаҳкамлай олади.



Футбол аллақачон кўнгилочар томоша “чизиги”дан ўтиб кетган. Агар чуқурроқ разм солсак, бугунги кунда дунё иқтисодиёти, технологияси, тиббиёти ва ҳатто ижтимоий муносабатлари ҳам айнан мана шу ўйиннинг талаб ва эҳтиёжлари атрофида айланаётганига гувоҳ бўламиз.

Энг аввало, футбол улкан саноат занжирларини ҳаракатлантирувчи триггерга айланди десак, муболага бўлмайди. Биргина қурилиш соҳасини оладиган бўлсак, замонавий стадионларда минглаб тонна оғирликдаги, ҳаракатланувчи том тизимлари, бир неча соат ичида бутунлай алмашадиган ёки ери остига кириб кетадиган майсасорлар айнан футбол ишқибозларига қўлайлик яратиш мақсадида ўйлаб топилди. Бу эса қурилиш технологияларини бир неча ўн йилларга илгариллаб кетишга мажбур қилди.

Майдонда югураётган ўйинчининг тана ҳароратини бир меъёрга сақлайдиган, шамол қаршичилигини камайтирадиган, “ақли” матолар (smart textiles) ва махсус бутсалар ишлаб чиқариш ортдан тўқимачилик ва енгил саноат бошқа даврларда ҳеч таққорланмаган тараққиётни бошдан кечирди. Миллионлаб инсонлар икки жамоа учрашувларини ўйларидан туриб, ўзини гўё стадиондагидек ҳис қилишни истагани сабабли, юқори аниқликдаги тасвир узатиш технологиялари, яъни 4K ва 8K форматлари, юқори тезликдаги сунъий йўлдош алоқалари ҳамда интернет тармоқлари шиддат билан ривожланди.

Реклама ҳамда маркетинг соҳасини эса футболсиз тасаввур қилишнинг мутлақ иложи йўқ. Бугун дунёнинг энг йирик брендлари ўз махсулотларини танитишда айнан футбол югузуларидан фойдаланади.

Энг қизиғи, футбол ҳаётимизга илгарини мавжуд бўлган янги соҳалар ва касб эгаларини олиб кирди. Спорт тиббиёти ва



реабилитацияси ҳам алоҳида фанга, илмга айланиб кетди. Футболчининг жароҳатдан кейин қисқа муддатда сафга қайтишини таъминлаш мақсадида крио-камералар, когнитив машғулотлар ва нейробиологияга асосланган мулкҳо янги даволаш усуллари кашф этилди, бугун улардан оддий инсонлар ҳам шифохоналарда фойдаланмоқда. Футбол клубларининг молиявий мувозанатини сақлаш эҳтиёжи ортдан эса спорт ҳуқуқи, спорт менежменти каби ўзига хос қонун-қоидаларга эга бўлган янги ҳуқуқий-иқтисодий соҳалар дунёга келди.

Айниқса, энг нуфузли халқаро турнирлар ёки қитъа миқёсидаги чемпионатлар ўтказилган даврларда туризм соҳаси ўзининг энг юқори чўққисига чиқди, чунки миллионлаб ашаддий мухлислар ўз жамоаларини қўллаб-қувватлаш учун нафақат чипта сотиб олди, балки борадиган мамлакатларининг меҳмонхоналари, ресторанилари ва кўнгилочар масканларини тўлдириб, маҳаллий бизнестга мисли қўрилмаган даражада жон бағишлади. Шарқ донишмандларининг “Синиқ кўзга ҳам кўёш нурини акс эттира олади” деган ажойиб нақли бор. Яъни оғир лаҳзаларда

ҳам атрофдагилар тасаввур қила олмайди-ган нурили бир томон, қутилмаган имконият топилади. Ўзбекистон миллий терма жамоасининг жаҳон чемпионатидаги дебют иштироки муваффақиятсиз кечган бўлса-да, дунё ҳамжамиятининг эътиборини ўзига қаратиш, миллат ва давлат сифатида сайёра-мизнинг энг йирик платформаларида танилиш борасида улкан ижобий тўлқинни юзага келтирди.

Ўйинлар бошланиши биланоқ, миллионлаб инсонлар илгари ҳаритада қидириб кўрмаган янги бир давлат ўйинчиларининг

шиддатига гувоҳ бўлди, натижада Google қидирув тизими, ижтимоий тармоқлар ва халқаро медиа майдонларида умумий қизиқиш қисқа муддат ичида деярли ярим баробарга ортди. Мусобақа давомида Ўзбекистоннинг туризм бренди 1,07 миллиарддан ортиқ аудиторияга етди, контентлар эса 52 миллиондан ортиқ реакция, изоҳ ва улашишлар тўплади. Ўзбекистон миллий терма жамоаси иштирокидаги учрашувлар кўнралида жаҳон оммавий ахборот воситаларида мамла-кат ҳақидаги материаллар сони ҳам, Visit Uzbekistan, Travel Uzbekistan ва Uzbekistan

Tour қидирув сўровлари ҳам бир вақтда сезиларли даражада ошди. Энг юқори ўсиш Колумбия ва Португалия терма жамоаларига қарши ўйинлар вақтида кузатилди.

Сўнгги ҳафтalarda “Uzbekistan Colombia World Cup 2026” сўрови бўйича қидирув-лар 450 фоизга ошган, “Uzbekistan” сўрови-га умумий қизиқиш 40 фоизга, “Tourism to Uzbekistan” мавзусига оид қидирувлар эса яна 10 фоизга кўпайган. Бу халқаро аудито-риянинг Ўзбекистонга бўлган эътибори тобо-ра барқарор туристик қизиқишга айланаётга-нини тасдиқлайди.

Туризм қўмитаси томонидан FIFA World Cup 2026 доирасида йўлга қўйилган кенг қамровли халқаро ахборот кампанияси ҳам мамлакатнинг туристик салоҳиятини глобал миқёсда илгари сўришда улкан натижаларни қайд этди. Кампания доирасида Туризм қў-митаси Uzbekistan туризм брендининг кенг қўламли халқаро ахборот тарғиботини таъ-минлади. Мамлакат ҳақидаги материаллар 3 мингдан ортиқ халқаро оммавий ахборот воситалари ва янгиликлар агрегаторлари-да эълон қилинди. Материаллар нафақат спорт нашрларида, балки BBC, ESPN, MSN, The Guardian, Fox News, Daily Mail, NDTV, VnExpress ва бошқа етакчи халқаро оммавий ахборот воситаларида ҳам чоп этилди. Мил-лий туризм стендлари, расмий фан-зоналар ва маданий дастурлар орқали Ўзбекистон-нинг туризм салоҳияти халқаро аудиторияга намоиш этилди ҳамда салоҳиятли саёҳат-чилар билан тўғридан тўғри мулоқот ўр-натилди.

FIFA World Cup 2026 тажрибаси шунини кўрсатдики, тизимли халқаро коммуникация ишлари нафақат рекорд даражадаги ахборот қамровини таъминлайди. Шу билан бирга жаҳон аудиториясининг Ўзбекистонга саёҳат қилишга бўлган қизиқишини кучайтириш ҳамда мамлакатнинг туризм брендини мус-таҳкамлашга хизмат қилади.

Азизбек ЮСУПОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ногоҳ шаҳарлик дўстим, тўғрироғи, кадрдон оғамнинг туғилган куни эсимга тушди. Дарҳол кўнғироқ қилиб табриклашга ошдиким. Салом-алиқни насия қилганча Қобилжон оға деди: — Тезроқ етиб кел! Сени зўр жойга олиб бораман.

Икки оғиз гапдан сўнг гўшақни қўйиб қўйган оғанинг феъл-атворини яхши биламан, тушунаман. Ҳеч қачон хотиржам гурунглашмайди, доимо бирор ишининг бошини тутиб турган бўлади. Айни туғилган кунинда у нимани режалаштирди экан деб хайрон бўлиб, йўлга отландим. Балки шу баҳонаи сабаб дарё бўйларида дам олишга бормоқчидир?! Ахир Аму эпкинлари елиб турган соҳилларда дам олиш пойтахтда яшаб тоққа чиқиш билан барабар-да.



Бунёдкорлик

Оғанинг гапи мен учун қонун, ахир кўп йиллик қадрдонимиз сўзини синдириб бўладими? Дарҳол олис қишлоқдан Ўрганча отланарканман, кўёш нури сал олисдаги Ҳазорасп тумани марказида қад ростлаган кўп қаватли уйлар орасидан кўтарилаётгандек туюлади. Илқис яқин йилларгача ҳамқишлоқларимнинг у ердаги бозорга қандай бориб-кегганини эсладим.

Ўйдим-чуқур йўллар бўйлаб кимдир яёв, кимдир улдовда қатнарди. Ўттиз йил муқад-дам навқирон йигит пайтим ярим қоп гуруч-ни велосипедга ортиб, сотиш учун бозорга отланганларим бир-бир кўз ўнгимдан ўтди. Велосипед педальни боса-боса тинка-мадор-ини қуриди. Йўлнинг таноиб ҳам ҳеч тор-тилай демасди, бозори гавжум шаҳарчининг қораси эса ҳадеганда кўринавермасди.

Бугун эса, мана, ўн қақирим наридаги мўъжазгина шаҳарда барпо этилган янги ту-рар жойлар худди сервиркор тоғлар каби кўзга ташланиб, қалбаларни энтиктириб юбормоқ-да. Қишлоқдан шаҳарларга элтувчи йўллар-ни-ку, айтмасангиз ҳам бўлаверади — кенг ва равонлигидан ўзини-гизни худди учиб бораёт-гандек ҳис қиласиз.

“Зиёлилар” маҳалла фуқаролар йиғини Ҳазорасп туманининг қоқ марказида жой-лашган. Маҳалланинг Тошсоқа каналига яқин худудидида “Янги Ўзбекистон” масси-вида жадал суръатда қурилиш-бунёдкорлик ишлари бажарилмоқда. Бу ерда 36 хонадонга мўлжалланган 7 қаватдан иборат турар жой-лар деярли қуриб битказилди. Тез орада фой-даланишга топширилиши ҳақида ОАВда ҳам айтилди.

Ўрганча борадиган жамоат транспортига чиқдим. Йўл-йўлаккай Богот тумани маркази-га кириб борарканмиз, бу ерда ҳам янгидан янги бинолар ўқтам паҳлавонлар каби қад кериб турганини кўрдим. Яқин йилларгача воҳада Ўрганчдан бошқа бирор туман мар-казида икки қаватлидан банд иморатлар деярли бўлмаган. Энди серҳашам осмонўпар бинолар туманлардо кезганингиз сайин қар-шингизда пайдо бўлади.

Ҳар бир худуддаги ўзгариш ва бунёдкор-ликлар, шубҳасиз, Президентимизнинг 2025 йил 8 октябрдаги “Алоҳида туман (шаҳар) ва маҳаллаларни аҳолининг яшаш ва тадбир-корлик фаолияти билан шугулланиши учун намунали худудга айлантириш чора-тадбир-лари тўғрисида”ги қарори ижросини таъмин-лаш доирасида бошлаб юборилган. Бу бора-даги аниқ рекага асосланган кенг қўламли ишлар эса ҳозир ҳамма жойда авжида. Хо-разм вилоятининг ҳар қадамида танлаб олин-ган худудларда янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳаллалар макomini шакллантириш бўйича залварли ишлар қилинаётганига дуч келамиз.

Мана, машина жадал кесиб ўтаётган Богот туманида 183 мингдан зиёд одам истиқомат қилади. Яқин йилларгача бу жойларда икки қаватли туман ҳокимлиги биносидан бошқа ҳашаматли иморатнинг ўзи йўқ эди. Энди эса Намуна ва Нури қиёв маҳаллаларида бунёд



ШУКРОНАЛИК ВА БАХТДАН тасрурлик нури

бўлган осмонўпар биноларни қўриб, ўзингиз-ни ажиб туш ичра юргандек ҳис этасиз.

Расмий манбаларга кўра, Боготдаги 11 та оғир шaroитдаги маҳалланинг ҳар бирига 2 миллиард сўмдан маблаг ажратилган. Бу пул, албатта, қўшимча иш ўринлари очиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўл-лаб-қувватлашга сарфланаётди. Бугунги Богот фақат боғлардан иборат эмас. Унда катта-ки-чи қорхоналар, Президент мактаби ва завод-фабрикалар фаолият юритмоқда. Олдин дала ва боғларда кетмон чопиб рўзгор тебратган боғотликлар айни дамда замонавий ишлаб чи-қариш қорхоналарида меҳнат қияппти.

Ўрганч шаҳрига кириб боргач, Қобилжон оға қутиб турган манзилда автобусдан тушиб қолдим. Шошиб салом-алиқ қиларкан, оға мени машинаси томон бошлади.

— Бугун вилоятнинг барча туманидан меҳнат фахрийлари ва фаоллардан иборат бир гуруҳ меҳмонлар шаҳримиздаги Ўзга-рилар билан танишиш мақсадида келяпти. Юртинг, уларга қўшилиб сиз ҳам янгилик-лардан воқиф бўласиз, — дейди Қобилжон Атоев.

Дарвоқе, Қобилжон оға “Нуруний” жам-ғармаси Ўрганч шаҳри бўлими мутахассиси. Юраги ёниқ, ишчан одам. Айни таваллуд

топган куни елиб-югуриб эл хизматида юрга-нига ҳавасим келди.

Машина оҳиста қўзғалди. Машъал маҳал-ласини кесиб ўтган шохқўча бўйлаб бораркан-миз, янги қурилган 16 қаватли турар жойлар-ни кўриб кўзим қувнади. Вилоят марказини ўраб турган халқа йўл бўйлаб тизилиб турган 30 дан ортиқ баланд-баланд янги бино эса қисқа муддатда бу ерларни таниб бўлмас дара-жада ўзгартириб юборган эди. Айни шу ерда бир гуруҳ фахрийлар ва фаоллар автобусдан тушаётган экан. Уларга “Нуруний” жамғарма-си Хоразм вилояти бўлими раиси Рустам Сул-тонов етакчилик қилмоқда.

— Яқин йилларгача ташландик, қумлоқ ердан иборат бўлган Бободехкон ва Шолиқор маҳаллалари ҳозир шаҳарга туташиб кетган. Қумравот, Обод ва Ғалаба маҳаллаларидан ўтувчи “Ўрганч — Шовот” магистралининг 10 километр қисмида тадбиркорлик субьектлари ташкил этиш учун қудай шароитлар яратилган, — дейди Рустам оға.

Савдо мажмуалари, маиший хизмат кўрсатиш шохбачалари, сервис масканларида эса иш қизиган. Эрталабданоқ замонавий бина-даги сартарошхона, тикувчилик қорхонасига ми-жозлар кириб-чиқаяпти. Автосервислар олди эса машинага тўла.

Ўрганч туманида 221 минг киши истиқо-мат қилади. Баҳорда туман ҳокимлиги ўт-казган тақдиротда мутасаддилардан бири янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳаллаларни шакллантириш мақсадида 10 миллиард сўм ажратилганини таъкидлаганди. Қисқа му-датда кўп қаватли уйлар қад ростлаганини кўриб, қўларимга ишонмадим.

Фахрийлар ва фаолларга эргашиб вилоят марказидаги Ал-Хоразмий шаҳарчасидаги қурилиш ва бунёдкорлик ишлари билан тани-шишга йўл олдик. Бу ерда ҳам ишлар авжида.

— Мана, сиз турган жой — шаҳар ичидидаги шаҳарча. Бу ерда давлатимиз раҳбари ташаб-бус билан буюк қомусий олим Муҳаммад Хо-размийнинг муззам ҳайкали қад ростлайди.

Олим номи билан аталувчи янги университет биноси қурилиши ниҳоясига етмоқда. Мас-кур олий таълим муассасаси ҳузуридаги истеъдо-дли ёшлар учун ихтисослаштирилган мактаб



ҲАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида сақлалади.
Газетанинг полиграфдик ҳаётдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05
Девонхона ва ишонч телефони: (71) 233-56-60

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Т-746.
29609 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Сардор Толлибоев
Мусаххас: Акбар Қаршиев
Дизайнер: Хуриш Абдуллаев

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА яқини — 01:40 Топирилди — 01:50